

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-босқич 311-гуруҳ курсанти*  
**Алёров Исобек Икром ўғли**

**Аннотация:** Ушбу мақола профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятининг асосий йўналишлар тушунчаси, мазмуни ва моҳияти, таъкил этишининг мақсад ва вазифалари, амалиётда ҳозирги кундаги аҳволи ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги ҳамда Ички ишлар соҳавий хизматлари билан ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлашнинг таъкил этилишини ва ушбу фаолиятини такомиллаштиришга ёрналтириш учун муаммо ва таклифлар ёритиб отилган.

**Калит сўзлар:** профилактика инспектори, виктимологик профилактика, ҳамкорлик, ҳуқуқий таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субэктлари..

Жиноят учун жазо бэргандан кўра, унинг олдини олган маъқуллиги ҳар қандай ижобий қонунчиликнинг бош вазифасидир. Ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган «жиноятчиликнинг олдини олиш», «профилактика қилиш», «огоҳлантириш», «тўхтатиш», «барҳам бэриш» каби атамалар нафақат махсус адабиётларда, балки ҳар хил норматив ҳужжатларда кўп учрайди. Шу боис, мазкур мақоланинг асосий вазифаси виктимологик профилактиканинг асосий йўналишларини кенгроқ амалга ошириш аҳамиятини таъсис этишдан иборатдир. Тадқиқот натижасига кўра, виктимологик профилактика асосий йўналишлари аҳамиятлидир, чунки виктимологик профилактика орқали юзага келиши мумкин бўлган жиноятларга барҳам бериш мумкин.

Виктимологик профилактика –бу виктимликка олиб келадиган омилларнинг юзага келишининг олдини олиш, уларни бартараф этиш ёки зарарсизлантириш чораларини кўриш, жинойи хатти-ҳаракатларнинг эҳтимолий жабрланувчиларини аниқлаш ва уларнинг хавфсизлигини ошириш орқали жиноятларнинг айрим турларининг олдини олишдир. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги Қонунининг 6-боби “Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси” дэб аталади, бу бобда виктимологик профилактиканинг моҳияти ва чора-тадбирлари баён этилган.

Виктимология” тушунчасининг луғавий маъносига тўхталадиган бўлсак, виктимология бу энциклопедик ва изоҳли луғатлардалотинчадан «вицтима» – жабрланган, жабрланувчи ва юнонча «логос»–таълимот, яъни жабрланувчилар

ҳақидаги таълимот дэган маънони англатади. Мамлакатимизнинг криминолог олимлари эса виқтимология сўзининг (лотинча «виқтима» – жабрланувчи ва грекча логос – таълимот) мазмунини очиб бэришда энциклопедик ва изоҳли луғатларга асосланишган. Айнан шунинг учун ҳам, уларнинг тадқиқотларида «қурбон» атамаси ўрнига «жабрланувчи», «ҳуқуқбузарликдан жабр кўрган шахс» атамаси кўпроқ ишлатилиши кўзга ташланади. Рус криминологларининг илмий тадқиқотларида «Виқтимология» атамаси икки сўздан иборат эканлигини: лотинча виқтима–худога қурбон келтирилувчи тирик мавжудот, қурбон ва грекча логос–сўз, таълимот, дэмак «қурбон ҳақидаги таълимот». Улар ўз асарларида қурбон сўзи билан жабрланувчи сўзларига таъриф бэришга ҳамда ушбу сўзларнинг қайси бири ҳуқуқбузарликдан зарар кўрган шахсга нисбатан ишлатилиши мантиқан тўғри бўлишини исботлашга ҳаракат қилишган. Мамлакатимизнинг криминолог олимлари эса виқтимология сўзининг (лотинча «виқтима»–жабрланувчи ва грекча логос–таълимот) мазмунини очиб бэришда энциклопедик ва изоҳли луғатларга асосланишган. Айнан шунинг учун ҳам, уларнинг тадқиқотларида «қурбон» атамаси ўрнига «жабрланувчи», «ҳуқуқбузарликдан жабр кўрган шахс» атамаси кўпроқ ишлатилиши кўзга ташланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ҳолатда ҳам виқтим сўзини қурбон дэб таржима қилиш мақсадга мувофиқдэқ кўриниши мумкин. Бироқ қурбон сўзининг ҳуқуқбузарликдан жабр кўрган шахсга нисбатан ишлатилиши турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Чунки қурбон сўзининг одатга кўра, қурбонлик, яъни худога жонликни қурбонликка келтириш маъносига ишлатиш тўғрироқдир. Шунинг учун, ҳуқуқбузарликдан жабр кўрган шахсга нисбатан «қурбон» атамаси ўрнига «жабрланувчи» атамасининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикаси асосий йўналишларининг чора-тадбирлари қуйдагилар асос бўлади:

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахсининг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;

аҳолига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш;

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (худудларни) мунтазам равишда назорат қилиш;

хужум қилинган тақдирда зарурий муҳофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бэриш;

ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бэвосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, кутқарув хизматларини ташкил этиш;

профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини янада такомиллаштириш фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи бўлиб қолишини олдини олиш мақсадида бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Буларга мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26-март кунидаги Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида ПФ-6196-сонли фармони, 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ 2883-сонли қарори, 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида “ ги ПҚ 2896-сонли қарори, қабул қилинди.

Ҳуқуқбузарлик оқибатида жабрланганлар шахси ва ўзларини тутишлари билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини тадқиқ этиш учун ҳуқуқбузарлик қурбонларини асосан қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин:

-ҳуқуқбузарлик қурбони ва ҳуқуқбузар ўртасидаги муносабат ҳамда уларнинг ўзаро боғланишига;

-жиноятнинг содир этилишида сабаб ва муҳитни юзага келтириш билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарлик қурбонларининг шахси ва ўзини тутишининги мавжудлигига;-аниқ бир ҳаётгий вазиятларда жабрланувчи томонидан ўзини тутиши оқибатида жиноятни юзага келишига;-ҳуқуқбузарлик содир этилганидан

сўнг, айниқса, (ресидив) ҳуқуқбузарликларни ўрганишда жабрланувчининг шахси ва унинг ўзини тутишига;

-латент ҳуқуқбузарликни юзага келишида жабрланувчининг шахси ва хатти-ҳаракатларидаги ўзаро боғлиқлик хусусиятлари каби

Санаб ўтилганларнинг эътиборга олиниши виктимология муаммоларини ўрганишга кенг имкониятлар яратади.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширишда ва униташкил этилишда, тарихий меросдан ҳам фойдаланиш зарур. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асарида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасига тааллуқли бўлганва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бой фикр ва фалсафий ғоялар мавжуд. Виктимология масалалари диний манбаларда, жумладан Қуръони Карим ва Инжилда ҳам эслатиб ўтилган. Тарихий манбаларга мурожаат қиладиган бўлсак шу нарса ойдинлашадикки, жаҳон таракқиётига катта ҳисса қўшган Инжилда қурбон ҳақидаги тушунчамеханизмида эътиборга лойиқ бўлган бир қатор вазиятлар ҳақида сўз юритилади. Масалан, Одам Ато ўғиллари Қобил ва Хобил тўғрисидаги, аниқроғи низоли вазиятда уканинг ака билан муносабатдаги хулқ -атвори тўғрисидаги афсона илмий муомалага «Хобил комплекси» сифатида кирган. Яна шу қаторда илмий тадқиқотларда виктимлик деган тушунчалар ҳам киритилган бўлиб, бу инсоннинг ҳуқуқбузарликдан жабрланиш имконияти эмас, балки инсоннинг ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолати ҳисобланади, ҳамда виктимликнинг айбли ва айбсизтурларига ажратилган.

Айбли виктимлик потенсиал қурбоннинг салбий, ҳуқуқ ва ахлоқ нуқтайи назаридан эса номуносиб хулқидан иборат бўлиб, у жиноят содир этилишига имкон бэрадиган омил ҳисобланади. Масалан, йўл-транспорт ҳодисаларидан фуқароларнинг кўпгина қисми йўл қоидаларига риоя қилмаганликлари оқибатида жабрланадилар.

Айбсиз виктимлик умуман ҳаётда, хусусан, жиноятдан аввалги вазиятда ижтимоий маъқул ахлоққа эга бўлган муайян шахснинг (масалан, инкассатор, маҳалла посбони) меҳнат ёки жамоат фаолиятининг хусусияти ёхуд психофизиологик жиҳатлари (масалан, бола, қария, бэморлиги кабилар) билан боғлиқ.

Шу ўринда виктимлик даражалари мавжудлигини билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада виктимликнинг қуйидаги уч даражаси мавжудлиги кўзга ташланади:

1)виктимлик даражаси кам бўлган шахслар–жисмонанбақувват, воқеликка тўғри ёндашувчи ва бошқалар;

2)виктимлик даражаси ўртача бўлган шахслар–нейтрал шахслар, яъни ўзида низоли ҳолатни келтириб чиқармайдиган, лекин ноҳақликка чиқолмайдиган шахслар;

3)виктимлик даражаси юқори бўлган шахслар–касби, ижтимоий мақоми, биофизиологик хусусияти, моддий аҳволи, маънавий-руҳий бэлгилари кабилар билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган шахслардир.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил қилишда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш субъектларини уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.Биринчи гуруҳга,ҳуқуқбузарликни олдини олиш фаолиятини ташкил этиш, унга раҳбарлик қилиш вабарча субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширувчи субъектлар ташкил қилади;Иккинчи гуруҳга, ўзларининг асосий вазифаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйичабэвосита чопатадбирларниамалга оширувчи субъектларни киритамиз; Учинчи гуруҳга,бэвосита якка тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан дастлабки босқичда шуғулланувчи субъектларни киритиш мумкин. Бундай гуруҳларга ажратиш шартли ҳисобланади

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бойича фаолиятининг аҳамияти бэвосита ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдэк ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга тезда мослаштириш ва уларни сиг;лом турмуш тарзига қайтаришдан иборат саналади. Айнан шу йўналишда учраётган асосий муаммо ва камчиликларни бартараф этиш орқали жамиятда ҳуқуқбузарликлар сонионинг кескин камайиши ва уларнинг профилактикаси тўғри ташкил этилишини келтириб ўтишимиз мумкин